

---

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки  
Статистика ва тадқиқотлар департаменти


Н.Омонов, С.Агзамов

**Аҳолининг енгил автомобилларга бўлган  
талабининг таъминланганлик даражаси**

## Аҳолининг энгил автомобилларга бўлган талабининг таъминланганлик даражаси

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда мавжуд энгил автомобиллар сони **3,4** млн донани ташкил этиб (*2015 йилга нисбатан 1,7 баробарга ошган*), ҳар 1 000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сони 2015 йилдаги 64 тадан **95** тага етиб, **1,5 баробарга** ошган.

### 1-чизма. Аҳолининг энгил автомобиллар билан таъминланганлиги (ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сони)



Манба: Статистика агентлиги ва Халқаро йўллар федерацияси маълумотлари

Ҳудудлар кесимида 2022 йилда республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан Тошкент шаҳри (193), Тошкент (117), Хоразм (110) вилоятларида юқори даражада шаклланган бўлса, Жиззах (66), Андижон (70) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (71) республика ўртача кўрсаткичидан паст даражада шаклланган.

### 2-чизма. 2022 йилда ҳудудлар кесимида аҳолининг энгил автомобиллар билан таъминланганлик даражаси



Манба: Статистика агентлиги

Аҳолининг автомобиллар билан таъминланганлик даражаси мамлакатдаги автомобил саноатининг ривожланганлиги ҳамда нарх ва сифат бўйича рақобатбардошлилигига боғлиқ. Ички бозорда автомобиллар нархларининг ошиши, импорт бўйича чекловларининг юмшатилиши ва автокредитларни ажратиш бўйича шартларнинг соддалаштирилиши автомобиллар импортига талабни оширмоқда.

Маълумот учун: 2023 йил январь-июнь ойларида Ўзбекистонда “Спарк” (-95,4 фоизга), “Нексия” (-83,7 фоизга), “Джентра” (-17,3 фоизга) русумли автомобилларнинг ишлаб чиқарилиши қисқариши ҳамда мазкур турдаги автомобилларга янги шартномалар қабул қилиниши тўхтатилган.


**1-жадвал. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар сони, донада**

	2020 йил	2021 йил	2022 йил
Ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар сони	280 080	236 667	328 118
Импорт қилинган автомобиллар сони	25 766	27 067	30 387
<i>шундан:</i>			
<i>электромобиллар:</i>	130	809	2 180
Экспорт қилинган автомобиллар сони	18 552	28 952	538


Манба: Статистика агентлиги

Аҳолининг енгил автомобиллар билан таъминланганлик даражаси Ўзбекистонда 95 тани ташкил этиб, Россия ва Грузия (395), Беларус (343), Туркия (254), Қозоғистон (226) ҳамда Озарбайжон (177) давлатлардаги кўрсаткичларга нисбатан паст даражада шаклланган.

**3-чизма. Давлатлар кесимида енгил автомобиллар билан таъминланганлик даражаси, донада**



**4-чизма. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажми, минг долларда**



Манба: Жаҳон банки ва Халқаро йўллар федерацияси маълумотлари

Юқорида келтирилган мамлакатларда аҳолининг енгил автомобиллар билан таъминланганлик даражасининг Ўзбекистонга нисбатан юқорилиги аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ ҳажмининг

Россияда – 6,6 баробарга, Туркияда – 4,6 баробарга, Қозоғистонда – 4,9 баробарга, Озарбайжонда – 3,3 баробарга, Грузияда – 2,9 баробарга кўп шаклланганлиги асосий омил ҳисобланади.

#### 1-ҳавола

Автомобилар билан тўйинганлик даражаси ва аҳолининг даромадлари ўртасида ўзаро боғлиқлик чизиқли эмаслиги аниқланган<sup>1</sup>. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар паст бўлган шароитда автомобилга эгаллик кўрсаткичлари ҳам паст даражада шаклланади, бироқ аҳоли жон бошига даромадлар **3-10 минг доллар** диапазонида бўлганда автомобилга эгаллик қилиш кўрсаткичи даромадларга нисбатан **икки баробар тез ўсади**.

1960 йилларда ушбу ҳолат Европа ва Японияда кузатилган. Ҳозирги кунда, кўплаб ривожланаётган мамлакатлар, асосан Осиё давлатлари ушбу ривожланиш босқичида бўлиб, мазкур тенденция 2030 йилларгача давом этиши тахмин қилинмоқда.

Аҳоли жон бошига даромадлар **10-20 минг доллар** диапазонида бўлганда автомобилга эгаллик қилиш кўрсаткичи даромадлар билан биргалликда ошиб боради.

Аҳолининг даромадлари 20 минг долларидан ошиши билан автомобилга эгаллик қилиш **суръатлари секинлашиб, тўйиниш даражасига яқинлашади**. Ҳозирда, мазкур ҳолат ИХТТ мамлакатларида кузатилмоқда.

<sup>1</sup>Dargay, J., Gately, D., & Sommer, M. (2007). Vehicle ownership and income growth, worldwide: 1960-2030. *The energy journal*, 28(4).

Бундан ташқари, аҳолининг енгил автомобиллар билан таъминланганлик даражаси аҳоли ўртасида даромадларнинг тақсимланишига, автомобиллар импорти билан боғлиқ солиқ ва бошқа йиғимлар миқдори ҳамда урбанизация даражасига (инфратузилма) боғлиқ.

Аҳоли даромадларининг нотекис тақсимланиши аҳолининг енгил автомобиллар билан таъминланганлиги даражасига икки канал орқали таъсир этиб, даромадлар аҳоли ўртасида **нотекис тақсимланиши** юқори даромадга эга бўлган аҳолининг доимий равишда **қимматбаҳо маркали автомобилларга** талабини оширса, даромадларнинг аҳоли ўртасида бирмунча **текис тақсимланиши** паст даромадли аҳолининг ҳам автомобил харид қилиш имкониятини яратади.

Маълумот учун: 2022 йил якунлари бўйича Ўзбекистонда юқори даромадга эга 20 фоиз ва 40 фоиз аҳоли умумий даромадларнинг мос равишда 39,5 ва 61,5 фоизига эгаллик қилади.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳар 1 000 киши учун тўғри келадиган ўртача автомобиллар сони 152 тани ташкил қилиб, мазкур кўрсаткич Ўзбекистондаги кўрсаткичдан **1,6 баробар** кўплиги аниқланди.


**2-жадвал. Аҳолининг энгил автомобиллар билан таъминланганлик даражасининг мамлакатлар даромадлари бўйича тақсимланиши.**

Давлатлар гуруҳи	Кўрсаткич	Давлатлар сони	Ўртача қиймат
Ривожланаётган мамлакатлар	Ҳар минг кишига тўғри келадиган автомобиллар сони, <i>донада</i>	131	152
	Энг юқори даромадга эга бўлган 20 фоиз аҳолининг умумий даромадлардаги улуши, <i>фоизда</i>		40,8
	Аҳоли жон бошига ЯИМ, <i>АҚШ долл.</i>		4 577
Ривожланган мамлакатлар	Ҳар минг кишига тўғри келадиган автомобиллар сони, <i>донада</i>	38	600
	Энг юқори даромадга эга бўлган 20 фоиз аҳолининг умумий даромадлардаги улуши, <i>фоизда</i>		34,9
	Аҳоли жон бошига ЯИМ, <i>АҚШ долл.</i>		50 355

Манба: Жаҳон банки ва Халқаро йўллар федерацияси маълумотлари

Шунингдек, эконометрик ҳисоб-китобларга кўра, **урбанизация даражасининг** ортиб бориши **ривожланаётган мамлакатларда** шаҳарда яшовчи аҳолининг умумий аҳолидаги улуши 1 фоиз бандга ортиши ҳар 1 000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сонини ўртача 4 тагача оширсан, **ривожланган мамлакатларда** эса шаҳарда яшовчи аҳолининг умумий аҳолидаги улуши 1 фоиз бандга ортиши ҳар 1 000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сонини ўртача 0,5 тагача камайтириши аниқланди.

**5-чизма. Ривожланаётган мамлакатларда урбанизация ва аҳолининг энгил автомобиллар билан таъминланганлик даражаси ўртасидаги боғлиқлик**



Бу эса, шаҳар жойларида аҳоли даромади нисбатан юқори бўлиши, ҳамда ривожланган давлатларда инфратузилманинг, хусусан, жамоат транспортининг ривожланганлиги билан изоҳланади.